

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2014-yil, 21-avgust. Payshanba 100 (31.847)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон — Хитой:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи доирасида 20 август куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянь билан учрашди.

Сўхбат чоғида Президент Ислам Каримовнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бўйича йиғирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорида савдо шартномалари имзолангани ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилгани таъкидлади.

Ли Кэцянь ташриф натижаларини юқори баҳолади ва Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан давом этиб, мустақил тараққиётдан оғишмай юксак натижаларни қўлга киритаётганини қайд этди. Хитой Ўзбекистон билан бундан буён ҳам алоқаларни ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожлантириб боришига тайёр эканини билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам юксак салоҳиятга эга экани, Президент Ислам Каримовнинг давлат ташрифи бу борада янги имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан алоҳида фикр алмашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислам Каримов Шэньси провинциясидаги қадим Сиань шаҳрига ташриф бурди.

Хитой марказидаги мажмура шаҳрининг тарихи 3000 йилдан ошди. Айрим манбаларга қараганда, бир вақтлар у аҳоли сони ва худуди жиҳатидан нафақат Чин юрти, балки бутун дунёдаги энг йирик шаҳар бўлган. Шу билан бирга, Хитой императорларининг ўн уч сулоласи даврида мамлакат пойтахти мақомини эгаллаган.

Буюк илақ йўлининг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган ушбу шаҳар теғрасида кўплаб қадимий макбаралар, хусусан, император Цинь Шихуандининг террракота армияси билан бирга дафн қилинган макбараси бор.

Президент Ислам Каримов Сианнинг қадимий обидалари билан танишуви террракота армияси музейидан бошлади. Бу ердаги саккиз мингдан зиёд аскар, гарчи сополдан бўлса-да, ҳақиқий жанговар от-аравалари ва курул-аслаҳалари билан ўз даврининг энг қудратли армиясини намоян этиди. Улар 1974 йилги қазилма ишлари даврида эраминдан аввалги 210-209 йилларда мамлакатни бирлаштирган император Цинь Шихуандининг макбараси атрофидан топилган. 1987 йилда террракота армияси ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз раҳбари музейнинг Фахрий меҳмонлар китоби-га дастхат битди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов Сианда қадимий шаҳар

деворини кўздан кечирди.

Деворнинг асосий шарқий дарвозаси олдидаги майдонда энг ҳурматли меҳмонларга кўрсатиладиган иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром маросими ўтказилди — Ўзбекистон Президентига тантанали равишда Сиань шаҳрининг рамзий қалити тақдим этилди.

Шаҳар тарихий қисмининг камарига айланган бу девор XV-XVII асрларда ҳукмронлик қилган Мин сулоласи даврида барпо этилган. Ўз даврида у ташқи томондан чуқур хандақлар билан ҳам ўралган ва мустаҳкам истеҳком вазифасини ўтаган. Муайян қисмларида барпо этилган қалъалар ташқарига чиқадиган кўприк билан жиҳозланган ва айни пайтда ишончли мудофаа иншооти бўлган.

Деворнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг ўлчамларида. Бўйи 15, эни 12 метрга етадиган бу девор устидан қадимги даврнинг барча транспорт воситалари, оғир жанговар-техникавий асралари, катта миқдордаги жангчилар бе-малол ҳаракатлана олган. Унинг туннеллари ва туйнуқлари эса шаҳар мудофаа қудратини янада оширган.

Президент Ислам Каримов Сиань нафақат ўзининг бетимсол обидалари, балки юксалиб бораётган иқтисодий қудрати билан ҳақиқий равишда Хитойнинг энг диққатга сазовор шаҳарларидан бири эканини таъкидлади.

Шаҳарга ташриф асносида давлатимиз раҳбари Шэньси провинцияси партия кўмитаси котиби — Халқ вакиллари кенгаши раиси Чжао Чжэньон ва провинция ҳокими Лоу Циньцянь билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи самарали кечаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Хитойнинг маъмурий-худудий бирликлари, жумладан, Самарқанд билан Сиань ўртасида бевоқифа ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида Самарқанд ва Сиань ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисида фикр билдирилган эди. Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг она юрти бўлган ушбу шаҳар билан рўйи замин сайқали бўлган Самарқанд ўртасидаги муносабатларнинг янги даражага кўтарилиши ва Президент Ислам Каримовнинг Сианни зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва ҳурмати мамлакатлараро ҳамкорлик алоқаларининг юксак ривожи учун асос бўлиб, халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалар билан бир қаторда юксак инсонийлик ютуқлари туфайли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррардир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири
Пекин — Сиань — Тошкент.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ



Қарши шаҳри

янада гўзал, замонавий, барчанинг ҳавасини тортадиган марказга айланади

Қаршидек умри боқий шаҳарнинг ҳаёт ва давр синовларидан омон ўтиб, мана шу ёруғ кунларга етиб келгани шу заминда яшаб ўтган аجدодларимиз, бугун ҳаёт кечираётган авлоднинг мустаҳкам иродаси, эркинлик ва озодликка интилиши туйғуси нақадар кучли эканининг тасдиғидир.

ИСЛОМ КАРИМОВ



Сиёсий партия ўз олдида қўйган мақсадларига эришиши учун, аввало, дастурий вазифалардан келиб чиқиб, электоратни ўйлантираётган масалаларни изчил таҳлил этиб бориши, муаммолар ечимига жавоб излаши зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Кафолатли ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайди

Ҳаммамиз катта ҳаяжон ва қувонч билан кутаётган байрамимиз — Мустақиллик кунини арафасида беихтиёр босиб ўтилган йўл ҳақида ўйлаймиз, бўлиб ўтган воқеаларни хотирлаймиз. Мустақилликка эришиш арафасидаги ўта оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол, қалтис сиёсий вазият ёдга тушади. Бир-биридан чигал ва мураккаб муаммолар гирдобидан қандай чиқиб кетганимиз, тўғри йўлни топиб олганимиз ҳақида ўйлайсан киши. Энг асосий вазифалардан бири бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини қўтқилган ижтимоий муаммолардан асраб қолиш эди.

ЎЗХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Фаолиятнинг ҳолис сарҳисоби камчиликларни аниқлаб, янги марралар сари дадил одимлашга хизмат қилади

ЎЗХДП Фарғона вилоят кенгашининг конференциясида сўзга чиққанлар ана шу фикр-ни алоҳида таъкидлади.

Унда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда делегатлар иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар, мамлакатимизни модернизация қи-

лиш ва жамятни демократлаштириш жараёнлари чуқурлашгани сари ҳаётимизда сиёсий партияларнинг роли тобора ортиб бораётганини эътироф этишди. Таъкидландики, партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Давоми 2-бетда.

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Орзуларга эришиш бахти

Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари Мустақилликнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида байрам тadbирлари ўтказмоқда.

Уларда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ва уларнинг асоси, амалга ошириб келинаётган улкан бунёдкорлик ишларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай байрамолди тadbирларидан бири «Истиқбол» ёшлар қаноти Навоий вилоят

бўлими томонидан Навоий шаҳрида ўтказилди. Унда партия фаоллари, ёшлар, шаҳардаги «Зарафшон» маҳалласи аҳли иштирок этди.

— Тобора гўзаллашиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз, бир-биридан чиройли бинолар, чехраси очик юртдошларимиз

тимсолида Мустақиллик нафаси яққол сезилиб туради, — деди **ЎЗХДП аъзоси, меҳнат фахрийси Раъно Ҳакимова.** — Истиқлолдан олдинги даврдаги қийинчиликларни яхши эслаймиз. У пайтда кўча-кўйда одамларнинг чехралари бугун-гидай ёруғ кўринмасди. Одам ўзини эркин ва хотиржам сезмасди. Бугун ёшлар билан мустақиллик ҳақида сўхбат бўлишини эшитиб, ўзим шу тadbирга келдим. Чунки биз — яқин тарихимизнинг тирик гувоҳлари ўз бошимиздан ўтказганларимиз, кўрган-кечирганларимизни ёшларга қанча кўп гапириб берсак, улар бугунги

куннинг қадрига шунча кўп этишди.

— Отахону онахонларимизнинг кечаги кун ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, бугун имкониятларимиз нақадар кенг эканини юракдан ҳис қилдим, — деди **ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Рустам Ҳайитов.** — Бугун биз учун ҳамма эшиклар очик, имкониятлардан фойдаланиб, чуқур билим олишимиз, бир ишнинг бошини тутиб, оиламизга, яшаётган маҳалла ва шаҳримизга нафи тегадиган одам бўлишимиз керак.

Байрам тadbiri самимий ва кўтаринки руҳда давом этди. Бундай сўхбатлар вилоятнинг барча худудларида ўтказилмоқда.

Феруза Дониёрова,
«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси.

Диққат!

«Сиртқи қабул соатлари»

Газетахонлар ва хусусан, партияимиз электорати вакиллари-нинг истақларини инобатга олиб, таҳририятимиз «Сиртқи қабул соатлари» рўкнини қайта ташкил этганидан хабарингиз бор. Бу рўкн остида давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари сизни ташвишлантираётган ёки қизиктираётган саволларга жавоб беради.

«Сиртқи қабул соатлари»нинг дастлабкиси яқинда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги билан ўтказилди.

НАВБАТДАГИ «ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»ДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ АНВАР АЛИМОВ САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Сиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошириляётган ислохотлар, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати, имтиёзли тиббий хизмат турлари, тиббий саводхонликнинг аҳамияти каби масалалар билан боғлиқ саволларингизни беришингиз ва тиббий хизматга дахлдор тақдирларингизни билдиришингиз мумкин.

Саволлар 2014 йил 30 августгача қабул қилинади.
Мурожаат учун таҳририятимиз телефонлари:
(8371) 233-06-83, 233-44-55. Факс: (8371) 233-65-45; 233-47-80.
Электрон манзил: info@uzbekistonovozi.uz

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Ташаббус ва амалий ишлар

оз эмас. Лекин бугунги демократик жараёнлар партия ташкилотидан янада фаол, дадил бўлиши талаб этмоқда

www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗХДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партияимиз гуруҳлари фаолияти самарадорлиги қандай бўляпти? Ўтган давр мобайнида партия Сайловолди дастурида белгиланган вазибалар қандай ижро этиляпти? Андижон вилоят партия кенгаши фаоллари ҳамда депутатлар шу масалалар хусусида фикр юртишди.

Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Фаолиятнинг ҳолис сарҳисоби

камчиликларни аниқлаб, янги марралар сари дадил одимлашга хизмат қилади

Конференцияда ЎзХДП Фаргона вилоят кенгашининг ўтган беш йил мобайнида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажариш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борган ишлари сарҳисоб қилинди.

«МЕН ЎзХДПНИ ТАНЛАДИМ»

Ўтган беш йил давомида шу сўзларни айтиб, партия ташкилотларига мурожаат қилганлар сони саккиз мингдан зиёд экани, партия аъзолари 2014 йилда 43450 нафарга етгани мамнуният билан таъкидланди.

Раҳимхон Кўрғонова, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Мен ёшлар билан бўлган кўп учрашувларда қатнашдим. ЎзХДП ғоя ва мақсадлари ҳақида гапириб бердим. Сиёсий жараён иштирокчиси бўлман, деб партияимизни танлаган 300 нафарга яқин ёшга тантанали равишда партия билетлари топширилди.

Биз ёшларни сиёсий партиялар фаолиятига кўпроқ жалб этишимиз зарур. Бунинг аҳамиятли томонларини бири шундаки, партия ғоялари билан яшаган ёшлар ёт ғоялар таъсирига тушмайди.

БУ ҲАҚИДА САЙЛОВЛДИ ДАСТУРДА АЙТИЛГАН ЭДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 11, туман-шаҳар Кенгашларида 230 нафар депутат ЎзХДПдан сайланган. Партия гуруҳлари ўз иш режасига асосан вилоят, туман-шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар билан беvosита ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Ўтган беш йил давомида улар вилоятдаги қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш ва бошқа муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ташаббускор бўлди.

ЎзХДП Фаргона вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида шундай деди:

— Ҳисобот даврида партияимиз ташаббуси билан вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, «Вилоятдаги мавжуд аграр ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги касб-ҳўнара коллежи битирувчиларини олий таълим, тадбиркорликка йўналтириш, уларни бизнес-режа тузишга ўргатиш, шу асосда бандлигини таъминлаш, шунингдек, туман ва шаҳарларда



аниқ инвестицион дастурларни шакллантириш ва ҳаётга таъбиқ этишга кўмаклашиш» чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган асосий мақсад партия электорати вакилларининг иқтисодий фаолигини ошириш ва улар учун янги иш ўринлари яратиш, шу орқали бандлигини таъминлашдан иборат.

Натижада қиймати 22 миллиард 584 миллион сўм бўлган 197 лойиҳа амалга оширилди. Бундан 600дан ортқ барқарор янги иш ўрни яратилишига эришилди. Вилоят кенгаши ва партия гуруҳимиз томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда иқтисодий форумлар ўтказиш ўзига хос аънамага айланди.

Хусусан, ўтказилган иқтисодий форумлар доирасида касаначилик, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар, айниқса, ёшлар, аёлларнинг 149 нафарига имтиёзли кредит олишни кафолатловчи сертификатлар топширилди. Тижорат банклари томонидан 3 миллиард 492 миллион сўм кредит маблағлари ажратилиб, 400 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

2013 йилда Фаргона вилоятида иккита — «2013-2015 йилларда Фаргона вилояти санаят саноатини ошириш» ҳамда «2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш» каби дастурлар қабул қилинди.

Партия гуруҳлари бу дастурлар ижроси ва натижаларини доимий мониторинг қилиб борди. Гап шундаки, янги иш ўринлари яратиш, муносиб иш ҳақи тўлашини таъминлаш партияимизнинг Сайловолди дастуридаги ваъдалардан биридир.

Маъзур дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида партия гуруҳи аъзолари томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Мониторинг давомида аниқланган камчилик ва нуқсонлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида 4 мартаба, доимий комиссияларда 6 мартаба муҳокама этилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳими, айнан шу дастурлар

2013 йилда Фаргона вилоятида иккита — «2013-2015 йилларда Фаргона вилояти санаят саноатини ошириш» ҳамда «2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш» дастури қабул қилинди.

ҚАРОР КУЧИ ИЖРОДА

— Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари вилоят Кенгашида партия гуруҳи аъзолари томонидан 320 учрашув ўтказилди, уларда сайловчилар томонидан 1400 дан кўпроқ масала кўтарилди, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Азимжон Исломов. — Учрашувларда депутатлар аҳолига мамлакатимизда қабул қилинаётган мактабга таълим муассасаларидаги болалар ўрнини қўпайтириш, муассасаларни қайта тиклаш масаласида сессия қарорлари қабул қилинишига эришдик. Бироқ ҳар қандай қарор ижроси билан қимматли. Шу боис биз вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда қарорлар ижросини назорат қилиб бораёмиз.

ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

Маълумки, ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларидаги Жамоатчилик қабулхоналари электорат муаммоларини ўрганиш, уларнинг ечимини топишда қўл келмоқда. Ўтган беш йил давомида қабулхоналарга қарийб 3832 мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 84 фоизи ижобий ҳал қилинган. Қолганлари бўйича ариза муаллафлариغا ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Конференция делегати, ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси Маҳаммаднўмон Эгамбердиев Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан янада тўлароқ фойдаланиш хусусида гапирди.

— Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, қаерда Жамоатчилик қабулхонаси мунтазам ва самарали ишласа, шу ерда партия сафида ўсиш, сиёсий жараёнда

чиқиндиларни йиғиш, ташиш ҳамда утилизация қилиш хисобига ҳудудларни ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилаш каби масалалар партия гуруҳлари, доимий комиссия йиғилишлари ва сессиялар кун тартибларида атрофича муҳокама қилинди.

ҲАБИБХОҲОН ТОШМАТОВА, ЎзХДП Бувайда тумани кенгаши раиси:

— Биз Сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, туманимизда мактабга таълим муассасаларидаги болалар ўрнини қўпайтириш, муассасаларни қайта тиклаш масаласида сессия қарорлари қабул қилинишига эришдик. Бироқ ҳар қандай қарор ижроси билан қимматли. Шу боис биз вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда қарорлар ижросини назорат қилиб бораёмиз.

ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

Маълумки, ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларидаги Жамоатчилик қабулхоналари электорат муаммоларини ўрганиш, уларнинг ечимини топишда қўл келмоқда. Ўтган беш йил давомида қабулхоналарга қарийб 3832 мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 84 фоизи ижобий ҳал қилинган. Қолганлари бўйича ариза муаллафлариغا ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Конференция делегати, ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси Маҳаммаднўмон Эгамбердиев Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан янада тўлароқ фойдаланиш хусусида гапирди.

— Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, қаерда Жамоатчилик қабулхонаси мунтазам ва самарали ишласа, шу ерда партия сафида ўсиш, сиёсий жараёнда

фаоллик сезилапти, — дейди у. — Шу боис олис ҳудудларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиш амалиётини кучайтириш лозим.

ВАЗИФАЛАР БУНДАН-ДА ЮКСАКРОҚ

Конференцияда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдига турган устувор вазифалар муҳокама этилди. — Фаолиятимизда ҳудудларнинг минтақавий хусусиятларига ҳамда жойларда электоратни қийнаётган масалаларга жиддий эътибор қаратишимиз зарур, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Жўрақўзи Кўлдошев. — Бу борада Қонунчилик палатаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳлари аъзолари ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари асосида амалий ҳамкорлик қилиши яхши самара беради. Биз жойларда нафақат партия ва унинг сиёсий позициясини яхши биладиган, балки ХДПнинг қатъий тарафдори бўлган кишилар доирасини кенгайтиришга эришишимиз керак. Шунда партия ғоялари янада муваффақиятли амалга ошади, бизга ишонч билдирган сайловчи манфаатлари самарали ҳимоя қилинади.

Конференция ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Камиллов иштирок этиб, Сайловолди дастурининг жойларда аниқ ижро этилиши, бу жараёнда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг иштироки хусусида фикр билдирди, истиқболдаги муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

— Биз партия ташкилотлари фаолиятига, аввало, Сайловолди дастури ижроси бўйича олиб берган ишларига қараб баҳо берамиз, — деди у. — Сайловчиба берган ваъдаларимизни бажарасак, одамлар бизга ишонинишда давом этади, тарафдорлар, хайрихоҳлар сафи кенгайиб боради. Шу боис барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ана шу мезон асосида ишлаши керак. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли вакиллари муаммоларини ўрганиш, иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш масаласи биз учун устувор аҳамиятга эга.

Бу жараёнда партия гуруҳлари янада ташаббускор бўлиши талаб этилади. Депутатлар электорат манфаати билан боғлиқ ҳар бир масалани чуқур ўрганиши, уларнинг ечимларини кўрсатиш, ҳудудларга хос бўлган масалаларни умумлаштирган ҳолда юқори партия ташкилотларига олиб чиқиши керак. Анжуманда партия Қурултойига делегатлар сайланди. Шунингдек, ташкилий масала қўрилди. Маҳмуджон Маҳкамов ЎзХДП Фаргона вилоят кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ким эди ким бўлди?

Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш, шу орқали ижтимоий барқарорликни сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Кафолатли ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

эртанги кунга ишончли мустаҳкамлайди



Комил ОЧИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Гарчи ўша пайтларда мамлакат иқтисодиёти у қадар бакуват бўлма-да, биринчилардан бўлиб иш ҳақи, ёшга доир нафақалар, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар молиялаштирилди. Тан олиш керак, ўша пайтда узок-яқиндаги айрим сиёсатдонлар Ўзбекистон қаддини кўтариб олишига ишонқирамай қараган, барибир, бўйин эгиб, ёрдан сўрайди, деб ўйлаган эди.

Барча соҳада оқилонга ва босқичма-босқич олиб берилган сиёсат халқимизга қийинчиликларни бирин-кетин енгиб ўтиш имконини берди. Давлатимиз эришган ютуқлар, шаҳару қишлоқларимиздаги бунёдкорликларни кечаги кун билан қиёслаган одам бунга амин бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори мазмун-моҳиятини мушоҳада этган киши Истиклолнинг нақадар буюк неъмат эканини яна бир бор англайди.

Маълумки, Ўзбекистон ривожланишининг асосий тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Утиш даврида ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлафлари ҳимояланди. Бугун бемалол айтиш мумкин — бу мураккаб вазифа мамлакатимизда муваффақият билан бажарилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя ҳуқуқлари таъминланди.

Хозир Ўзбекистон Давлат бюджети ҳаражатларининг қарийб 60 фоизини муттақил равишда ижтимоий соҳага йўналтириб келаётган дунёдаги кам сонли мамлакатларнинг қаторида.

Ижтимоий ҳимоя тушунчаси нафақат ижтимоий ёрдан ва нафақаларни, шу билан бирга, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини изчил ривожлантириш, бандлик, уй-жой билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш масалаларини ўз ичига қамраб олади. Булар ўз навбатида аҳолининг ҳар томонлама фаолигини оширишга, жамият ҳаётида тўлақонли иштирокини кафолатлашга хизмат қилади.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎзХДП ҳаётининг хабарлар

Андижон вилоят партия кенгаши ташаббуси билан шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош босқармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ҳуқуқ-тартиб идоралари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, бошланғич ташкилотлар фаоллари иштирок этиди.

«Биз одам савдоси ва диний экстремистик оқимларга қаршимиз»

Андижон вилоят партия кенгаши раиси Абдулхамид Нурматов партия дастурий мақсадларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиди. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, доимий иш жойи, барқарор даромад манбаига эга бўлган киши ўзгалар таъсирига тушмайди. Қолаверса, у иш билан банд бўлади, ёруғ мақсадлар билан яшайди.

«Биз одам савдоси ва диний экстремистик оқимларга қаршимиз»

Давра суҳбати якунида ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга одам савдосига қарши кураш мавзусида тайёрланган махсус буклетлар тарқатилди.

Бундай тарғибот ишларини туман ва шаҳар кенгашлари томонидан тизимли ўтказилиши белгиланди.

Сардорбек ҚОСИМОВ, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши масъул ходими.

ЎзХДП: таъриба ва таҳлил

Сиёсий партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП тизимида бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Наманган вилоят партия кенгаши тарғиботчилар гуруҳи фаолиятини изчил йўлга қўйгани натижасида ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари сон ва сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилмоқда.

Тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими алоҳида ўрин тутаётди. Сиёсий ўқувларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг муҳим устувор йўналишлари чуқур ўрганилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳамда вилоят ҳаётининг долзарб воқеаларга бағишланган махсус машғулотлар ўтказилмоқда.

Бугун одамлар узундан-узун, умумий фикрлардан иборат маърузаларга муҳтож эмас. У кўтариллаётган масала юзасидан маърузачидан кўра кўпроқ маълумотга эга бўлиши мумкин. Чунки ахборот технологиялари ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб келаётган даврада яшаймиз. Шу боис тарғиботчилар кўпроқ таҳлил, ҳаётий мисоллар, одамлар қалбига кириб борадиган йўللardan фойдалани-

Таъсирчан тарғибот

самараси катта бўлади

ши зарур. Акс ҳолда уни талабчан аудитория қабул қилмайди.

Биз вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини доимий таҳлил этиб бораемиз. Бугунги кунда вилоят бўйича тарғиботчилар сони 351 нафарни ташкил этади. Уларнинг 11 нафари ҳуқуқшунос, 32 нафари иқтисодчи, 154 нафари ўқитувчи, 8 нафари журналист, 20 нафари тиббиёт ходими, 116 нафари эса бошқа соҳа вакиллари ҳисобланади. Уларнинг 300 нафари олий маълумотлидир.

Тарғибот тадбирларини ноанъанавий, янгича усулларга таянган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тақдирот слайдлари, кўргазмалар воситалардан фой-

даланиш, маърузадан воз кечилиб, қатнашчилар билан жонли мулоқотга киришиш тадбирлар таъсирчанлигини оширмоқда. Бугун сиёсий партиялар муҳим жараён олдига турибди. Ғоя ва мақсадларимизни жамоатчиликка тушунариш ва таъсирчан тарзда етказиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бораёпти. Шундай экан, партия кенгашлари тарғибот масаласига ҳар доимгидан-да жиддий эътибор қаратиши талаб этилади.

Эргашали АБДУЛЛАЕВ, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Қарши шаҳри

янада гўзал, замонавий, барчанинг ҳавасини тортадиган марказга айланади

Қашқадарё... Бир томонида ястаниб ётган бепоён чўл, иккинчи чеккасида кўкни кўтариб турган пурвиқор тоғлар. Бир томони узумзор, олмazor боғлар, бир томони пахтазор, буғдойзор, бир томонда замонавий кентлар, бир томонда кўҳна Шаҳрисабз... Бу воҳани айланиб чиқиш учун беш-ўн кун камлик қилади.

ТАРИХ ВА БУГУН

Ҳар бир шаҳарнинг ўз тарихи бор. Тақдирда муҳим аҳамият касб этган воқеалар бор. 1987 йил 30 январь. Шу кунни вилоятнинг янги раҳбари Қаршида тўланиб қолган муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида катта йиғилишда рўй-рост гапирди. Марказдан ташланган «десантчи»лардан бири бўлган — шаҳар раҳбарини очик танқид қилди.

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

Мустақиллик майдони, Марказий ва Болалар истироҳат боғи, амфитеатр майдони, кўпжа янги турар жойлар, тиббиёт ва маданият муассасалари, кенг ва раво кўчалар, обод бозор ва кўркам хиёбонлар мисолида Қарши шаҳрининг бугунги қиёфасини кўришимиз мумкин.



Уш оғлан суратлар.

кўрдик, «Пахлавон» хусусий фирмаси кураётган иморат кўркам, барча қулайликларга эга. Мустақиллик имкониятлари тўфайли қудратли корхоналар пайдо бўляпти. Пахта тозалаш, ёғ-экстракция каби катта қувватли корхоналар сафига ўнлаб янгиликлар қўшилмоқда. Кичик бизнес корхоналари сони эса бугунги кунда 1 мингтани ташкил этмоқда. Вилот саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 555 лойиҳани амалга ошириш юзасидан Давлат дастури қабул қилиниб, бу борада амалий ишлар изчил давом этмоқда. Бундай истиқболли лойиҳалар шаҳарда ўнлаб. Масалан, «Санам» МЧЖ ўтган йили қувватини ошириб, 50 янги иш ўрни яратди. Ипақка иш-той берадиган «Ўзбекистон — Хитой» қўшма корхонаси иш бошлади. Шу йилнинг июнь ойида 39 тадбиркорлик объекти фаолият юрети бошлади. Қарши «Термопласт» корхонасида эса 160 киши меҳнат қилаёпти. Бу ерда тайёрланаётган пластмасса буюмларга талаб катта. Гуштни қайта ишлайдиган корхонага асос солган Ахрор Ерхонов яна 600 миллион сўм маб-

борак тумани кумликларига сингиб кетади. Агар таъбир жоиз бўлса, Қарши дашт ва чўлга басма-бас яшаб келаётган шаҳар. Қадим қарвонлар узокдан яшил воҳани кўрганда, енгил тин олган. Венгер сайёҳи Херман Вамбери Қаландархона деган жойда улкан боғни кўрганини ёзиб қолдирган экан. — Президентимизнинг Қарши шаҳрини келажакда қайта куриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори ва шу асосда қабул қилинган. Дастурда узок йилларга мўлжалланган режалар баён этилган, — дейди Қарши шаҳар ҳокими Акмал Ачилов. — Очиги, бу Дастур Қарши шаҳри ривожланишининг янги даврини бошлаб берди. Кўчалар кенгайтирилди, 8 хиёбон, 9 майдон барпо этилади. Аллақачон бошланиб кетган ишларни ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул. — Бу фикрга мен ҳам қўшилиман, — дейди ҲХДПдан вилот ва Қарши шаҳар кенгашлири депутати «Сопол қувурлари» за-

километри лойиҳаси асосида иш кетаяпти. Бундан ташқари ҲХДП муноводининг маслаҳатига кура, уй-жой курилиши билан яқиндан танишишга киришамиз. Дастурда белгиланган 16 йил орасида шаҳар аҳолиси кўпаяди, уларга янги турар-жой зарур. Ҳозир йирик ташкилотлар — «Шўртангаз-кимё» мажмуи, «Шўртангаз» УШК ва бошқа корхоналар уй-жой куришга муносиб ҳисса кўшмоқда. Яна 30 гектар жойда яқка тартибда, замонавий лойиҳалар асосида аҳолининг ўзи уйлар тикляпти. Ҳозир шаҳарда 600 кўп қаватли уй бўлиб, 74 уй-жой ширкати фаолият кўрсатмоқда. Дастурга кура, шаҳарда яна 56 кўп қаватли уй курилади. Шундан 30 тасида курилиш-монтаж ишлари бошланиб кетган. Айримлари фойдаланишга топширилмоқда. Уй-жой ширкатларидан бирига Лайло Асадова раҳбарлик қилаёпти. У бизни ҲХДПдан кўчасида яқиндан ишга тушган 299-уй билан таништиради. Лойиҳаси чиндан яқши экан. Уйнинг биринчи қаватида савдо, маиший хизмат дўконлари. Пештахталарга турфа озиқ-овқат маҳсулотлари териб қўйилган ихчам дўкончага кирамиз. Харидорлар: «Жуда қулай, шундоқ ёни-мизда дорихона ҳам бор», дейишди мамнуният билан. Тўрт қаватли уйнинг учинчи қаватида кўтарилмиш. Уч хонали хонадонга ички ишлар ҳодими Ориф-жон Ушумуродов кўчиб кирибди. Барча қулайликлар муҳайё. Икки нафар фарзанди бор экан. Рафикаси Нафосат Уралова беш ойлик Мадина исмили қизини кўтарганча бизга пeshов чикди. Тавозе билан уйига, меҳмонхонадаги ёзиллик дастурхонага тақлиф этди. Унинг гап-сўзларидан ҳаётдан рози эканлиги, эртанги кунга ишонч ва умид билан яшаётгани яққол сезилиб турарди.



Мақтаб ва коллежларда 80 дан ортиқ ёпиқ турдаги спорт заллари, 21 мини футбол, 55 волейбол, 51 баскетбол майдончалари, жами: 445 спорт иншооти ишлаб турибди.

Айниқса, бизнинг олий мақсадимиз бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига хизмат қиладиган бугунги замонавий лицей ва коллежлар, янги мактаблар, Олимпия захиралари спорт коллежи, енгил атлетика манежи ва ёпиқ сув спорти ҳавзаси, янги марказий стадион, хотин-қизлар спорт мажмуаси кўрган кўзни қувонтиради.

2006 йилнинг октябрь ойида шаҳарнинг кулуг тўйи кунни Президентимиз ушбу бунёдкорликлар ҳақида фахр-ифтихор билан гапирган эди. Шу йилнинг март ойида Қарши давлат университетининг 1500 ўринли кўркам биноси ишга туширилди. Университетда ҳам, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ҳам қўбиятли ёшлар таълим олишмоқда, меҳнат қилмоқда. Университетда иқтидорли талқинчи олимлар кўп. Шулардан бири — физика-математика факультети ўқитувчиси Нодир Холмирзаевнинг «Кўёш ҳавоқиз-дирғичи» мавзусидаги изланишлари олимлар томонидан истиқболли, деб баҳоланмоқда.

Қарши чин маънода спорт шаҳрига айланганини алоҳида таъкидламоқ лозим. «Насаф» футбол жамоаси Осиёда донг таратган. «Севинч» қизлар футбол жамоасининг доврўғи дунёга ёйилган. Халқаро андозаларга мос теннис корти, стадион ва ўнлаб иншоотлар курилган. Мақтаб ва коллежларда 80 дан ортиқ ёпиқ турдаги спорт заллари, 21 мини футбол, 55 волейбол, 51 баскетбол майдончалари, жами: 445 спорт иншооти ишлаб турибди.

Юртбошимизнинг кўрсатмаси билан бунёд этилаётган бадий гимнастика саройини бориб



лаг эвазига хориждан ускуналар келтириб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. На-тижада 13 киши муқим иш жойига эга бўлди.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Қарши шаҳрини янада гўзал, замонавий, барчанинг ҳавасини тортадиган марказга айлантириш учун унинг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини амалга ошириш, шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича мамлакатимиз ҳукуматининг қарори ва махсус дастури қабул қилинди.

Азим Шаҳрисабзни юксак тоғ чўққиларидан сув олаётган дарёлар ўз бағрида эвзоэлайди, Қашқадарё анча йўл босиб, даштга туташ шаҳарга етиб келади ва Му-

води раҳбари Бобоназар Қулмуродов. — Президентимиз 2013 йил 27 сентябрда вилот кенга-шининг навбатдан ташқари сессиясида Қарши шаҳри истиқболли ҳақида гапирганида, қалбимиз фахрга тўлди. Улуғ ишга барча ҳисса кўшиши керак, деган хуло-сага келдик. Масалан, бизнинг за-водимиз кўп қаватли уйлар кури-лишига пишиқ гишт етказиб бе-раёпти. Курувчи жамоамизда 75 киши меҳнат қилаёпти. «Шайхали» маҳалла гузарини ўзимиз кўрдик. Туйхона қуриб бердик, шаҳарга қўшилмадиган қишлоқлар аҳолиси-га хизмат қилади. Шаҳарда уй-жой биринчи даражали масала. Ҳозир ҳовливи 27 уй кураёмиз. Бошқа уйларни ҳам ўз кўзингиз билан кўринг...»

Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиги Обид Жўраевнинг айтишича, лойиҳалар бўйича 56 километрик халқа йўл курилади. Унинг 29

ойлик Мадина исмили қизини кўтарганча бизга пeshов чикди. Тавозе билан уйига, меҳмонхонадаги ёзиллик дастурхонага тақлиф этди. Унинг гап-сўзларидан ҳаётдан рози эканлиги, эртанги кунга ишонч ва умид билан яшаётгани яққол сезилиб турарди.

ҲАЁТ НАВОСИ

Оқшом тушди. Мустақиллик майдонидagi фавворалар атрофи одамлар билан гавжум. Бу жойдаги ёдгорликни Юртбошимиз «Эл-юрт таянчи», деб атаганлар. Ота сиймосида куч-қуввати, меҳрини фарзандлари, эл-юртига бахшида қилаётган заҳматли инсон қиёфаси, она тимсолида мунис ва меҳрибон аёл намоеён. Ёнларида илм ва хунарга чанқоқ ўғил-қизи.

Шаҳарни кезиб, мамлакатимизни ҳаракатга келтирувчи куч бўлган ёшлар вақиллари билан суҳбат-лашдим. Йиллар ўтиб, шаҳар аҳолиси 450-500 минг кишига етади, уларнинг кўпчилиги бахтиёр ёшлар бўлади.

Республика ихтисослашган акушерлик ва генетология илмий-амалий маркази туғруқ бўлимида қаршилик Чарос Шодиева ўғил фарзанд кўрганини айтишди. Қуло-гимга дунёга эндигина келган гўдак овози эшитилди. Кўҳна бу шаҳардаги маҳаллалардан бири-нинг номи «Наво». Чақалоқ овози ҳам — ҳаёт навосидир.

Юнус УЗОҚОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Эбола билан боғлиқ вазият

мураккаблашиб бормоқда

Жорий йилнинг январида Гвинеяда бошланган, кейинчалик қўшни мамлакат Сьерра-Леоне, Либерия ва Сенегалга ўтган Эбола безгаги бугунги кунда ГАРБИЙ Африка худудидан ҳам четга чиқа бошлади.

Тарихда биринчи марта маъмур беъгак вирусини билан икки америкалик фуқаро касалланди, аниқроғи, эпидемияга қарши кураш учун Африкага кўнгилли бўлиб келган икки тиббиёт ҳодими бу касалликни ўзларига юктириб олди. Ҳозир улар Американинг Эмори университети госпиталида изоляция шароитида даволанмоқда.



Руминияда ҳам яқинда ГАРБИЙ Африкадан қайтган 51 нафар немис Эбола безгаги юққанликда гуномланиб, шифохоналарга ётқизилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бугунги кунда умумий ҳисобда 1600 дан ортиқ киши ушбу безгагга чалинган. Шу кунгача маъмур касаллик туфайли ҳаётдан қўз юмганлар сони 900 нафарни ташкил қилади.

Жорий йилнинг июлида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Эбола безгагига қарши кураш мақсадида кенг мекёсли дастур бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошланганини маълум қилди. Бунинг учун ўз миллион долларга тенг маблағ ажратилди.

Муताхассисларнинг айтишларича, касаллик эпидемик тус олган, пандемия даражасига ҳали етмаган. Ва пандемия даражасига чиқмаслиги учун кураш олиб борилмоқда.

Ассосий белгилари қаттиқ иситмалаш, қайт қилиш, ич кетиш, бурундан, қулқандан ва шунингдек, ички қон кетиш бўлган ушбу вирус юқишининг 90 фоизи ўлим билан яқунланадиган маъмур Эбола безгаги эканлигини аниқлаш учун 6 ҳафта вақт кетди. Фақат Франциянинг Лион лабораториясидаги текширувларини унинг Эбола безгаги эканлигини тасдиқлади.

Эбола безгаги илк бор 1976 йили аниқланган. Ушанда Судан ва Заир (ҳозирги Конго Демократик Республикасида) фан учун номаълум эпидемия тарқалган. Натижада Суданда 284 беморнинг 151 нафари, Конго Демократик Республикасида эса 318 беморнинг 280 нафари оламдан кўз юмган. Касаллик вирусини лаборатория шароитида ўрганилган, унинг ўчоғи Конго Демократик Республикасидаги Эбола дарёси атрофи эканлиги исботланган ва бу вирусга Эбола безгаги, деб ном берилган.

Полиция патруллари электромотоцикл билан таъминланмоқда

АҚШ ва Колумбия полицияси патруллари ҳар томонлама афзал бўлган замонавий электромотоцикллар билан таъминланмоқда.



Унинг ўзига хослиги шундаки, дейлади «Мир новейшей» ҳафталиги ахборотида, умуман шовкин-сиз ҳаракатлангани. Тезлиги ҳам яқши.

Бу эса ҳуқуқбузар жинойатчиларни қувиб етиш ва қўлга олиш учун жуда қулайдир. Бундан ташқари, аввалги техника сингарни шовқин солиб, аҳоли тинчини бузмайди.

Айни пайтда Колумбия пойтахти Боготада юзлаб мана шундай электромотоцикли патруллари хизмат вазифасини ўтамоқда.

Уларнинг айтишича, электромобиллар батареясини зарядлаш мураккаб эмас ва кўп вақт олмайдди. Батарея қуввати эса анча вақтга етади.

Совунлаб ювиниш меъёрни талаб қилади

Дарҳақиқат, ҳаётда ҳамма нарсанинг меъёри бор. Қимми бу меъёрни бузса, албатта, бирор-бир кўнгилсизлик юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шу қатори совунлаб ювинишда ҳам меъёр бўлгани маъқул экан.

«Аргументи ва факти» ҳафталигида таъкидлашча, терини доим тоза сақлаш жуда муҳим ва зарур. Негаки, тери баданини ташқир тасвирлардан ҳимоя қилиш билан бирга ҳароратни меъёрда сақлаш, нафас олиш, ортиқча сувни бадандан тер орқали чиқариш ва бошқа вазибаларни бажаради.

Киши териси бир ҳафтада 300 грамм ёғ ва 7 литр тер ажратиши чикаради. Демак, терининг ҳимоя воситаси бузилмаслиги учун у доимо тоза туриши лозим. Акс ҳолда терида турли микроблар кўпайиши учун қулай шароит яратилган бўлади. Бу эса турли касалликлар учришига сабаб бўлиши тайин. Ёз кунлари кунига 15 дақиқа давомида сув «муолажаси»ни қабул қилган маъқул. Сувнинг ҳарорати 37-38 даражада бўлиши тери учун мақбул вариантдир. Чўмилиётганда эса хар доим мочалқадан фойдаланиш тавсия этилмайди. Ҳафтада 1-2 марта фойдаланиш етарли. Терини совунлаб ювиш борасида ҳам шу меъёрни сақлаган маъқул. Акс ҳолда терида ўзгартишлар юз бериши эҳтимолдан холи эмас.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

